

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****169 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ–1449-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъмол товарлари импортини божхона-тариф орқали тартибга солишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 4 мартдаги ПҚ–1496-сонли қарорига ҳамда «Истеъмол товарлари импортини божхона-тариф орқали тартибга солишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 23 мартдаги ПҚ–1507-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ–1449-сонли қарорининг 12-2-иловасига иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар 2011 йилнинг 1 апрелидан бошлаб кучга кирган.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 25 апрель,
ПҚ–1522-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.